



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ



Педагогика фанлари доктори, профессор
Сафо Матчоновнинг 70 йиллигига бағишиланган

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий-амалий анжумани материаллари)
2017 йил 27 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика фанлари доктори, профессор
Сафо Матчоновнинг 70 йиллигига бағишиланган

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий-амалий анжумани материаллари)

2017 йил 27 январь

Ҳизб Ҳуқуқиёт тарзи – ол шуддигина сабабиети – шундай чархадарий
жониётни көзга олди. Биринчи турнирни бўлди, яъни Мадрасада
жониётни көзга олди. Убакитини мадрасада бўлди. Гендердаги
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди. Гендердаги
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди. Ахандарий
жониётни көзга олди. Чархадарий жониётни турнирни бўлди. Салт Оленийни
жониётни көзга олди. Чархадарий жониётни турнирни бўлди. Зардаб мадрасада
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди.

Ҳизб Ҳуқуқиёт тарзи – ол шуддигина сабабиети – шундай чархадарий
жониётни көзга олди. Биринчи турнирни бўлди. Мадрасада жониётни
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди. Гендердаги
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди. Ахандарий
жониётни көзга олди. Чархадарий жониётни турнирни бўлди. Салт Оленийни
жониётни көзга олди. Чархадарий жониётни турнирни бўлди. Зардаб мадрасада
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди.

Ондан кейинги замонда Ҳизб Ҳуқуқиёт тарзи олди. Гулаки
жониётни көзга олди. Биринчи турнирни бўлди. Мадрасада
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди. Гендердаги шахмат турнирини
чархадарий жониётни турнирни бўлди. Ахандарий жониётни турнирини
чархадарий жониётни турнирни бўлди. Чархадарий жониётни турнирни бўлди. Салт Оленийни
жониётни көзга олди. Чархадарий жониётни турнирни бўлди. Зардаб мадрасада
шахмат турнирини чархадарий жониётни турнирни бўлди.

ТОШКЕНТ-2017

Б.УМУРҚУЛОВ. Оғзаки нутқ ва нутқ ўстириш.....	185
ХОЛБИБИ ҚУРБНОВА. Она тили таолими олдига кўйилган мақсад ва вазифалар – таълим мазмунинг ижтимоий заруриятидир.....	188
И.ТЎЙЧИЕВА. Академик лицей ўкувчилариға фонетика ва унинг услубий жиҳатларини ўргатиш масалалари.....	189
САИДА ИСМАТОВА. Она тили дарсларида тиниш белгилари имлосини ўрганиш.....	190
РАЙИМБЕРДИЕВА ЗУЛФИЯ. Интеллектуал салоҳиятни оширишда ўкув адабиётлари билан ишлаш жараёнининг аҳамияти.....	192
САЙЁРАХОН ҚУРБНОВА. Тилшунослик масалалариға янгича ёндашувлар хусусида.....	194
Б.Н.ТУРНИЁЗОВ. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” асаридаги сўз ясалиши хусусида сўз.....	195
Х.Ш.ХАМДАМОВА. Айюб Ғуломовнинг кўплик категорияси ҳақидаги қарашлари.....	197
АНВАР ХЎЖАМҚУЛОВ. Ўкувчилар сўз бойлигини оширишда айрим дидактик ўйинларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида.....	199
МУТАЛЛИБ ҲАЗРАТҚУЛОВ. Умумий ўрта таълимда тасвирий иншо ёзиш методлари.....	201
З.ҚУРБНОВ, Д.МАМАТҚУЛОВА. Бошланғич таълимда иншо ёзишга ўргатиш.....	203
М.ВАФОЙЕВА. 2-синф ўқиши китобидаги “Тандир” ривоятида кўлланган ибораларни ўргатиш усуллари.....	206
ЭЛЁР БОЙМАНОВ. Нутқ ўстиришда она тили дарсларининг ўрни.....	208
Д. НОРОВА. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда адабий таълимнинг ўрни.....	210
МУБОРАК САТТОРОВА. “Ўзбек тили” фанини ўқитишда талабаларнинг ёзма саводхонлигини ўстириш.....	212
Д. ШАМСИДДИНОВА. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш усуллари.....	214
ОЛИМБОЙ ЙЕШИМБЕТОВ. Бошланғич таъимни ривожлантиришнинг шакл ва шароитлари.....	216
Б.ТУХТАЙЕВА. Ўзбек тили (номиллий гурухларда) дарсларида оғзаки нутқ ўстириш йўллари.....	217

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГА ОИД ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

КЛАРАХОН МАВЛОНОВА. Бадий матн устидаги ишларни она тилидан ўтиладиган мавзулар билан интеграциялашга доир таълим мазмуни.....	219
--	-----

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГА ОИД ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

**БАДИЙ МАТН УСТИДАГИ ИШЛАРНИ ОНА ТИЛИДАН
ЎТИЛАДИГАН МАВЗУЛАР БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШГА ДОИР
ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

**Кларахон Мавлонова,
Алишер Навоий номидаги Тошдўтау
катта илмий ходим-изланувчи**

Она тили дарсларида машқ материали сифатида тақдим этилган бадиий матнлар ўқувчиларда сўздан, грамматик воситалардан ўринли фойдаланишга доир билим, кўнирма ва малакаларни шакллантириш, шу орқали уларнинг нутқ маданиятини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Фонетика, лексика, морфология, синтаксис бўлимларининг ҳар бирида ана шундай имкониятлар мавжуд. Шуни назарда тутган ҳолда бошлангич синфларда она тили ўқитиш методикасини яратган машҳур рус методистлари В.И.Водовозов, Д.И.Тихомиров, Ф.И.Буслаев, Н.А.Корф, И.И.Срезневский, К.Д.Ушинский, Н.С.Рождественскийлар тил қоидаларини бадиий асарларни ўқиш жараёни билан боғлаш кераклигини асослаганлар [1]. Улар аслида бу босқичда нуқул грамматик қоидаларни эмас, балки асарнинг тил хусусиятларини, тил ҳодисаларининг бадиий вазифасини ўрганиш зарур деган гояни илгари сурғанлар.

Биз 5-6-синфлар бўйича қўйидаги маънони кучайтирувчи морфологик ва синтактик тил ҳодисаларини ажратдик.

5-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспрессив воситалар:

Ўқитувчи маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини ажратиш мақсадида у ёки бу дарснинг машқ материалларини кўздан кечиради, бадиий матннинг тил хусусиятларига аҳамият беради ва уларни она тили дарсларида ўтилаётган мавзулар билан нисбатлади. Шу тариқа назарий маълумотга кўшимча равишда айтиб ўтилиши мумкин бўлган тил ҳодисаларини аниқлайди ва дарслар бўйича режалаштиради. Бу ишнинг мураккаб томонлари кўплигини сезган ҳолда муаллимга ёрдам тарикасида 5–9-синфларда она тилидан ўрганиладиган мавзулар доирасида маънони кучайтирувчи морфологик шакллар ва синтактик бирликларни ажратишга харакат қиласиз.

5-синф дастури талабига кўра бу синфда қўйидаги бўлимлар доирасида тил ҳодисалари ўрганилади: «Синтаксис ва пунктуация», «Мустакил сўзлар», «Ёрдамчи сўзлар», «Ўзакдош сўзлар, кўшма сўзлар, жуфт сўзлар, такрор сўзлар», «Товушлар ва ҳарфлар», «Лексикология».

Кичик насрый ёки шеърий парчанинг оҳанг жиҳатдан ширадорлиги, бунда фонетиканинг ўрни бадиий матн устида олиб бориладиган ишларнинг муҳим қирраси саналади. Адид бадиий асар яратишида гандаги сўзларнинг товуш жиҳатдан ёқимли оҳанг, ширадорлик касб этишига, равон ўқилишига алоҳида аҳамият беради. Чунончи, унли товушлар ўтилаётган дарсларда

ёзувчининг оҳанг жиҳатдан ёқимли сўзларни танлашига, оҳангдошликини юзага келтиришга интилишини аник мисоллар асосида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу холат образ яратишда яққолроқ намоён бўлади. Масалан, илоннинг вишиллашини ифодалаш учун и ундош товуши, арининг виз-виз учишини тасвирилаш учун з ундош товуши кўп бўлган сўзлар танланади, гапда (мисрада) тизиб чиқилади. Фонетикани ўрганиш жараёнида ўкув дастури талабларига ва дарслик материалларига қўшимча равишида бадий матнларда учрашига караб фоно-график тил ҳодисалари ҳақида амалий йўллар билан маълумот бериб бориш мумкин. М.Йўлдошев, З.Исақов, Ш.Хайдаровларнинг «Badiy matnning lisoniy tahlili» номли методик кўлланмасида бадий матннинг фоно-график хусусиятлари ҳақида қўйидаги фикр келтирилади: «Шеърий матнда нутқ товушларининг эстетик имкониятлари тез ва қулай идрок этилади. Чунки шеърда ўзига хос жозибадор оҳанг бўлади. Бу оҳангдорликка товушларни услубий кўллаш натижасида эришилади» [2]. Шеъриятда асосан аллитерация (ундошлар такrorи), ассонанс (унлилар такrorи), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усувлардан фойдаланилади [ўша манба; 24-б.]. Насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такрорлаш, сўзларнинг фонетик қобигини ўзгартириб ёзиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усувлар ёрдамида экспрессивлик таъминланади [ўша манба; 24-б.]. Методик кўлланмада унлиларни ва ундошларни бирдан ортиқ ёзиш, нотўғри талаффузни ифодалаш, аллитерация, ассонанс каби тил ҳодисалари хам мисоллар асосида тушунирилади [ўша манба; 24–29-б.].

«Синтаксис ва пунктуация» бўлимини ўтиш жараёнида оҳанг, риторик сўрқ гап, риторик ундов гап, риторик ундалма, гапда сўзларнинг ўзгарган тартиби, аниқловчи, ундалманинг ширадорлик нуқтаи назаридан гап мазмуни ва оҳангига таъсири, диалогнинг бадий матидаги роли ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

«Лексикология» бўлими ўкувчиларни кўп маъноли сўзлар, сўзнинг кўчма маънолари, шаклдош сўзлар, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, такрорий сўзлар, маънодош сўзларнинг жуфт кўлланиши (бахт-саодат, саъй-ҳаракат ва б.), эскирган сўзлар, иборалар, тасвирий ифодаларнинг бадий қиймат яратиш имкониятлари билан танишириш мумкин. Бу ишлар мустақил сўз туркумларини ўтиш жараёнида образлиликини вужудга келтирувчи лексик воситалар ҳисобига давом эттирилади.

6-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспрессив воситалар:
6-синф дастури талабига кўра бу синфда қўйидаги бўлимлар ўрганилади: «Морфологияга кириш», «Сўз таркиби ва қўшимчалар таснифи», «Сўз туркумлари» (фель, от, сифат, сон, равиш, тақлид сўзлар).

6-синф «Ona tili» дарслигидаги [3] назарий маълумотларга шу маълумотлар таркибида қўшимча равишида феълнинг бўлишисиз шакллари (25-дарс), ортирма нисбат ҳосил құлувчи бирдан ортиқ қўшимчалар қўшилиши (32–33-дарслар), ҳаракат номи, -мок, айниқса, -мак қўшимчаси (36- ва 37-дарслар), ҳозирги ва келаси замон сифатдошлари, -ажак шакли (45-дарс),

равишидош, жуфт ҳолда кўлланадиган равишидошлар (49-дарс), кўмакчи феъллар (52-дарс), -(и)б ёки -ма + й формали равишидош + бўлмоқ феълидан тузилган конструкциялар (52-дарс), равишидош +бўйти (бўйсан) феълидан тузилган конструкциялар (52-дарс), равишидош + кўрмоқ феълининг буйруқ шаклида тузилган бирикмалар. Бунда кўпинча улар -чи юкламаси билан бирга кўлланиб, инкор маъноси кесатиш йўли билан ифода этилиши (52-дарс), жуфт феъллар; эмас сўзи (61-дарс); жуфт ва такорий отлар имлоси (88-дарс), отларнинг кичрайтириш ва эркалаш шакллари (111-дарс), жуфт сифатлар ва уларнинг имлоси (121-дарс), такорий сифатлар ва уларнинг имлоси (122-дарс), сифатларнинг орттирма даражা шакли (айримлари) (126-дарс), жуфт ва такорий равишилар (153-дарс), ҳолат равишилари (айримлари, айниқса, китобийлари) (156-дарс) ҳакида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Ёрдамчи сўзлар ҳам гапнинг ширадорлигини, образлиликни яратишида алохида аҳамият касб этади.

Сўзларнинг тузилишига кўра турлари ширадорлик, таъсирчанликни юзага чиқарувчи тасвирий воситалар сирасида алохида ўрин тутади. Сўзларнинг жуфт ҳамда такорий кўлланиши маълум даражада экспрессия билан боғланади.

«От ва унинг маъновий гурухлари, лугавий шакллари» мавзуси б-синфда ўрганиладиган энг катта мавзулардан биридир. Бу ерда кўшимчалар географияси билан танишиш иши давом эттирилади. От туркумига мансуб сўзлар доирасида сўз такорини ўринли англатиш; ўринсиз сўз такоридан холос этувчи контекстуал синонимлар ҳакида тушунча бериб ўтиш, отларнинг услубий кўлланиш хусусиятларига, услубий бўёқдор сўзларга тўхталиш мумкин.

«Сўз таркиби ва кўшимчалар таснифи» мавзусида оҳангдорликни таъминловчи айрим кўшимчаларга эътибор қаратилади. Масалан, Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида -да кўшимчасининг ишлатилиши (Ойдан-да гўзал...) ва бошқалар.

Э.Киличевнинг «Бадий матннинг морфологик таҳлили» номли тезисида жўналиш келишиги кўшимчалари, учун кўмакчиси мисолида бадий матннинг лингвистик таҳлили ҳакида сўз юритилади. Морфонологик ўзгаришлар ҳакида шундай дейилади: «Бундай кўлланиш шеъриятда ритм ва қофияда жарангдорлик ҳосил қиласи: -га архаик шакли эса ўзак морфема ва аффиксал морфема орасида уйғунлик, оҳангдорлик ва мусикийликни юзага чиқаради. Бу кўшимча автор нутқида давр руҳини ифодаловчи восита бўлса, персонажлар нутқида эса улар нутқини индивидуаллаштириш учун хизмат қиласи. -а, -я, -на шаклида шеъриятда қофия бўгинини тенглаштириш воситаси, персонажлар нутқида эса маҳаллий колорит бериш воситаси бўлади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам грамматик шакллар образ яратади, бадийлик ҳосил қиласи» [4]. Тилимизда бундай воситалар кўп. Шеъриятда кўшимчаларнинг адабий тилда белгиланган кўринишларидан фарқли, яъни ўтмишда ишлатилган шаклларида кўллаш ҳолатларига кўп дуч келамиз. Масалан, -дин (-дан ўрнига), -тек (-дек ўрнига) ва х.к.

6-синфда грамматик воситаларнинг (от, сифат ва феъл) услубий имкониятларига алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Бунда лексик ва грамматик услубий воситаларнинг сўзлашув нутқида ва бадиий асарларда ишлатилиши кўрсатилиши, ўқувчиларда услубий бўёкли сўзларни фарқлай олиш укуви ҳосил қилиниши керак.

«Феъл» мавзусини ўрганиш жараённада адабий матнлар орқали феълнинг нутқда қай тарзда ишлатилиши, ифода имкониятлари билан танишилади. Масалан, замон шаклларининг бир замон ўрнида бошқа замон ифодалаши, услубий бўёкка эга бўлиши кўрсатилади. Умуман олганда, «Феъл» мавзуси тил ходисаларига бой саналади. Айниқса, кўмакчи феълли бирикувларнинг маъно қирралари кўп.

«Сифат» мавзуси образлилик нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Қарама-қарши маъноли сифатларнинг мақол яратишдаги ўрни, жумланинг таъсиричанинги оширишдаги аҳамияти кўрсатилади. «Сонлар» мавзусида чама сонлар алоҳида мавқега эга. «Равишлар» мавзусида ҳолат, даража-микдор равишларга эътибор қаратилади. «Таклид сўзлар» сўзнинг реал воқелик билан боғланишини кучайтиради, образлиликни оширади.

Р.И.Альбеткова таъкидлаганидек, сўз ишлатиш маҳорати билан танишиш ўқувчиларни «Она тилининг гўзаллигини англаш, унинг ҳар қандай фикрни, ҳар қандай туйгуни ифодалашдаги битмас-туганмас имкониятларини билишга ёрдам беради. Кўриш ва англашгина эмас, балки тил бойлигидан ўз нутқида фаол фойдаланишга ҳам кўмаклашади» [5].

Бадиий асар ўқувчини инсон рухияти оламига олиб киради, ана шу рухияти сўз ва грамматик воситалар ёрдамида ўзгаларга етказиш маҳорати билан таништиради. Ана шу жараёнда мустақил фикрлаш, хис этиш ва яратишга ўрганиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Саломатина Л.С. Методические подходы к работе с текстом на занятиях родным языком: Опыт XIX века // Начальная школа. – № 1. – С. 11–17.
2. Yo'ldoshev M., Isaqov Z., Haydarov Sh. Badiiy matnning lisoniy tahlili: Metodik qo'llanma / Mas'ul muharrir N.M.Mahmudov. – Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. 23-б.
3. Ona tili: Umumta'lim maktablarining 6-sinfi uchun/ N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. – T.: Tasvir, 2013. – 208 b.
4. Таълим бўғинларида она тили ўқитиши мазмунини янгилаш асослари. ЎТДА 2-йигини тезислари. – Қарши, 1993. 60-б.
5. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С.17.

FANLARARO ALOQADORLIKDA TALABALAR YOZMA NUTQINI O'STIRISH YO'LLARI

N.Qurbanov (NavDPI)

Talabalarning yozma nutqini o'stirishda fanga bo'lgan qiziqishi, o'qishga bo'lgan ijobiy munosabati o'z-o'zidan tug'iladigan hodisa emas. U birinchi kursdan